
Мурожаат ўрганилди

Телеграм ижтимоий тармоғи орқали туман марказидаги пиёдалар йўлагида автотураргоҳ ташкил этиб, пул олинаётганлиги юзасидан қилинган мурожаат туман ҳокимлиги ҳамда туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

Хусусан туман ҳокимининг 2019 йил 30 май кунги 2623-сон қарорига асосан фуқаро Т.Д.Алижоновга тумандаги Қайқубод кўчасида жойлашган 50 сотих ер майдонининг бир қисмида жойлашган дам олиш ҳиёбони ҳамда ёдгорликни реконструкция қилиб, қолган ер майдонига ҳизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этиш ҳамда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун ер майдони ажратилган.

Қарорга асосан тадбиркор томонидан қарор талабларига асосан, ҳудуддаги ҳиёбон ва ёдгорлик реконструкция қилиниб, ҳудудда ободонлаштириш ҳамда пиёдалар йўлагини асфальтлаштириш ишлари амалга оширилган.

Лекин бу тадбиркорга мазкур пиёдалар йўлагини автотураргоҳ сифатида фойдаланиш ҳамда тўлов йиғиш ҳуқуқини бермайди ва бунинг учун тадбиркорда ҳеч қандай ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Шунга асосан туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркорга ҳеч қандай меъёрий ҳужжатларсиз тўлов пуллари йиғиш мумкин эмаслиги, йиғилган тақдирда хайдовчиларга чек тақдим этилиши ва тушумлар банк ҳисоб рақамига кирим қилиниши зарурлиги тушунтирилди.

Шунингдек тадбиркор келгусида ҳолатлар қайта такрорланган тақдирда белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши юзасидан огоҳлантирилди.

Ижтимоий тармоқда блогерлик фаолиятини олиб борувчи фуқарога мазкур тадбиркорнинг қўл остида фаолият олиб борувчи ишчи ҳодим томонидан қўполлик қилинганлиги юзасидан қилинган мурожаат юзасидан ҳозирда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасига асосан ҳужжатлар расмийлаштирилаётганлигини маълум қиламиз.

2023-12-23 15:54:26